



ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Унда мамлакатимиздаги иқтисодиёт ва бошқаруви ислохотлари ҳақида муҳокама қилинган. Шавкат Мирзиёев билан Сума Чакрабартини мулоқотида давлатимиз раҳбари барча муҳим йўналишлардаги янгиликларга тўхталар экан, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, давлат бошқарувида трансформация жараёнларини, шунингдек, рақамлаштириш ва инвестицион жойбардорлик борасидаги иш-

ларни давом эттириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Сума Чакрабартини мулоқотида давлатимиз раҳбари барча муҳим йўналишлардаги янгиликларга тўхталар экан, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, давлат бошқарувида трансформация жараёнларини, шунингдек, рақамлаштириш ва инвестицион жойбардорлик борасидаги иш-

Ў.А.

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга темир йўл соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳаларнинг амалдаги ҳолати ва келгуси режалар юзасидан ахборот берилди.

Мамлакатимиз учун транспорт йўлакларини диверсификация қилиш, жаҳон бозорларига тез ва эркин чиқиш жуда муҳим. Шу боис давлатимиз раҳбари халқаро анжуманларда бу масалани доим кўтариб, амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Қўшни ва манфаатдор мамлакатлар билан "тил топишиб", лойиҳалар жадаллаштирилмоқда.

Улардан бири 454 километрлик Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилишидир. Маълумки, жорий йил 14 сентябрда Самарқандда бу лойиҳа бўйича уч томонлама Англашув меморандуми имзоланган эди. Ноябрь ойида Хитойнинг "Биринчи лойиҳа-тадқиқот институти" томонидан дала тадқиқот ишлари олиб борилди.

Ҳисобот давомида режадаги ишлар тўғрисида ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, Бишкек шаҳрида лойиҳа офиси ташкил этилади. Лойиҳани бошқариш услуби ва тартиби муҳокама қилинади. Халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказилади. Умуман, 1 июнча лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш режалаштирилган.

Соҳадаги яна бир минтақавий лойиҳа Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлидир. Афғонистондаги мураккаб вазиятга қарамай, бу борада ҳам сезиларли силжилар бор.

Хусусан, жорий йил ёзда Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳридан Покистоннинг Торхам шаҳрига тадқиқот экспедицияси ўтказилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 15 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини мустаҳкамлашга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш орқали уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномалари туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Туманлараро маъмурий судлар фақат вилоят марказларида жойлашганили, худудлар географик жойлашуви бўйича бири-бирдан узоқда жойлашганили ва ички ишлар органлари ходими мазкур иш билан шуғулланиши давомида ўз хизмат жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномалари туфайли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш амалиётини фуқароларга қулайликлар яратиш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати юзга келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишга доир нормаларини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказиш ҳамда тегишли ишларни кўриб чиқиши маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Қонунда тақлиф этилаётган нормалар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларнинг ва ортиқча овозгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 467-моддалар) куйидаги мазмундаги **XXIII² боб** билан тўлдирилсин:

Танзила НОРБОЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида қабул қилинган БМТ резолюцияси дунё парламентларининг бу борадаги фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Сир эмас, охириги беш-олти йил Ўзбекистон учун тарихий аҳамиятга эга давр бўлди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар изчиллик билан давом эттирилиши баробарида, мамлакатимизнинг жаҳондаги ижтимоий шакллантириш ҳамда дунё давлатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлари билан алоқаларини кучайтириш борасида дадил қадамлар ташланди. Натижада юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада юксалди. Буни Ўзбекистон, хусусан, Президентимиз томонидан илгари суриб келинаётган қатор ташаббуслар халқаро миқёсда қўллаб-қувватланаётгани, ундан ҳам муҳими, ана шу тақлифлар асосида халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга табиқ этилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хабарингиз бор, Президентимиз 2020 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида минтақавий ва глобал миқёсда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, изчил тараққиётни таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этишни қўллаб-қувватлаш, конструктив мулоқотни кенгайтириш, шунингдек, иқлим ўзгариши, озик-овқат хавфсизлиги муаммолари, қаш-

шоқликка барҳам бериш ва камбағалликни қисқартириш каби долзарб масалалар юзасидан қатор ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияни қабул қилиш ҳақидаги тақлиф глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мазкур резолюциянинг бир овоздан маъқуллангани бунинг яқол далилидир.

Хусусан, ушбу муҳим халқаро ҳужжатда COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч қандай эътибордан четда қолдирмасликни таъминлаган ҳолда, кенг қўламли, барқарор ва изчил тикланишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамжиҳатлик, бирдамлик, ҳар томонлама ҳамкорликка содиқликни мустаҳкамлашда парламентларнинг муҳим ўрни аниқ кўрсатиб ўтилган.

Анбатта, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибидан ўрган олган муҳим масалалар, яъни дунёда иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятни ҳар томонлама бар-

қарорлаштириш орқали бутун инсониятнинг ҳаёт тарзини яхшилаш ва турмуш фаровонлигини ошириш, адолатли жамият қуриш борасида Ўзбекистонда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда, сезиларли натижаларга эришилмоқда. Шу маънода, барқарор ривожланишга эришиш жараёнларида миллий парламентаризм ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси тuzилиши бу борадаги сый-ҳаракатларга янги суръат берди, десак, аниқ ҳақиқат.

Маълумки, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш учун 16 та миллий мақсад (БРМнинг 14-мақсади денгиз экоти-зимларини асрашга доир бўлгани учун Ўзбекистон томонидан қабул қилинмаган) ва



125 та вазифани Ўзбекистон ҳукумати ўз зиммасига олган. Парламент комиссияси ўз фаолияти давомида ана шу вазифаларнинг ижросини мунтазам равишда назорат қилиб бормоқда. Бунда, айниқса, худудларни барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Сенат кўмитасида

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси мажлисида Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилаларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати таҳлилий муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра "аёллар дафтари" билан ишлаш тизимининг 3-босқичида 6 та тоифа бўйича Сирдарё вилоятида 14 минг 364 нафар ва Тошкент вилояти бўйича 59 минг 260 нафар хотин-қизнинг муаммолари ҳал қилинган.

Ҳар икки вилоятда ҳам хотин-қизларни онкологик скринингдан, нуроний охоналарни эса маҳаллаларда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг касаб-уошмалари санаторийларида даволанишлари ташкил этилган.

Утган даврда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга тиббий-ижтимоий ёрдам берилишига катта эътибор қаратилди. Хусусан, Сирдарёда 776 нафар ва Тошкент вилоятида 1917 нафар хотин-қиз протез-ортопедия буюмлари, шахсий гигиена воситалари билан таъминланди.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда, жумладан, уй-жой эҳтиёжини қондириш, бандглигини таъминлаш, касбга ўқитиш, субсидиялар тақдим қилиш орқали рўзгорини бойитиш борасидаги ишларда муайян камчиликлар борлиги қайд этилди. Мазкур сый-ҳаракатлар замирида, аввало, инсон қадр-қимматини жойига қўйиш масаласи кўндаланг турганлиги, вазирлик ва идоралар ҳамда ҳар икки вилоят ҳокимликларини белгиланган кўрсаткичлар ижросига масъулият билан ёндашиши кераклиги ўқтирилди.

Мажлисида маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ўз худудидаги хонадонлар аҳолини, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш асосида уларнинг ижтимоий хизматлари бўлган эҳтиёжини аниқлашни кучайтириши ва ҳар бир оиллага индивидуал ёндашув лозимлиги ҳам таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

ЭЗГУ ВА ҲАЁТИЙ ТАШАББУСНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Президентимиз 2020 йил 23 сентябрь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нуқт сўзлаб, бир қатор амалий тақлифлар ҳамда ташаббусларни илгари сурган эди. Эътиборлиси, ушбу ҳаётий тақлифлар БМТ томонидан эътироф этилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг

77-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 75-сессияда билдирган яна бир ташаббусини, яъни "Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияни қабул қилиш тақлифини бир овоздан маъқуллади.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАОЛ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ДИПЛОМАТИЯСИ

Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишига қаратилган

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида очик ва прагматик, нейтрал ва тинчликпарвар ташқи сиёсат юритилмоқда. Сайёрамизда юз бераётган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдириляётган позиция, ёндашувда биз бунинг исботини кўряпмиз. Давлатимиз раҳбари нафақат мамлакатимизда, балки бутун Марказий Осиёда тинчлик архитектурасининг бош мезморига айланганини халқаро жамоатчилик, эксперт ва таҳлилчилар ҳам эътироф этмоқда.

Нуктаи назар

Улкан мақсадлар йўлидаги ноёб формат

Айниқса, Ўзбекистон раҳбари томонидан қайта-қайта тилга олинаётган муҳим йўналиш — қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, унинг халқаро майдонда яққаланиб қолишига йўл қўймастик қақриқларни дунё сиёсат майдонига юксак баҳоланмоқда. Хусусан, БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили ўринбосари, БМТнинг Афғонистонга ёрдам кўрсатиш миссияси раҳбари Маркус Потсел Ашхобод шаҳрида Туркманистон бетарафлигининг 27 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Мулоқот

— тинчлик гарови» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг бу борадаги интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Унинг сўзларига кўра афғон заминидан тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, умуммиллий келишувга эришиш, инклюзив сиёсий жараённинг таъминланиши Афғонистон билан мулоқотни давом эттириш зарурлигини таъкид қилади. Шу нуктаи назардан, БМТ вакили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 13 октябрда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг VI саммити доирасида илгари сурган Афғонистон бўйича халқаро музокаралар гу-

руҳини тузиш ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни билдирди.

Маркус Потселнинг таъкидлашича, ушбу ноёб формат афғон муаммолари бўйича глобал миқёсда кенг келишувга эришиш ва Афғонистон Муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик қилиш учун мувофиқлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

— Бутун халқаро ҳамжамият афғон халқи билан бирдамликни намоён этиши зарур, — дейди БМТ вакили. — Биз ўз сый-ҳаракатларимизни Афғонистонни тинч, барқарор ва фаровон ўлкага, терроризм, уруш ва наркотик моддалардан холи мамлакатга айлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга сафарбар қилишимиз лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар жиҳатдан қайта тиклашга қўмаклашиш борасида халқаро сый-ҳаракатларга, жумладан, йирик трансминтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари сурган ҳолда салмоқли хисса қўшмоқда.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

«ХIII» боб. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш

313^а-модда. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома берилиши

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказига жойлаштирилиши талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаш шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи томонидан берилади.

313^б-модда. Илтимосноманинг шакли ва мазмуни

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга ёзма шаклда берилди ва ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Илтимосномада куйдагилар кўрсатилиши керак:

- 1) илтимоснома берилган кўрсатилган номи;
2) ички ишлар органининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
4) илтимосномага асос бўлган ҳолатлар;
5) берилган илтимосноманинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
6) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимос, жойлаштириш муддатини кўрсатган ҳолда;

7) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.
Илтимосномада ички ишлар органининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ушбу моддада назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган илтимоснома ички ишлар органига қайтарилади.

313^в-модда. Илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномага қуйдагилар илова қилинади:

- 1) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни аниқлаган мансабдор шахснинг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган қарори;
2) яшаш манзиллари (манзиллар бўйича бюро) ҳақида маълумотлар берувчи органининг маълумотномаси, шунингдек муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охириги яшаш жойини текшириш натижалари тўғрисидаги маълумот;
3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг тушунтириши ёки бундай шахс томонидан тушунтириш бериш рад этилганлиги тўғрисида тегишли тарзда тузилган далолатнома;
4) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги тиббий маълумотнома;
5) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг ҳуқуқлари, шу жумладан адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ўз яқинларига телефон орқали кўнгирок қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома.
Илтимосномага бидирилган илтимосномани асословчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

313^г-модда. Илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилган

пайтдан эътиборан 24 соат ичида судья томонидан ёпиқ суд мажлисида яқна тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилган шахс ва ички ишлар органининг вакили суд мажлисида иштирок этиши шарт. Суд мажлисида адвокат иштирок этиши мумкин.

Илтимосномани кўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлиги ва жойлаштириш муддати асослаб бериладиган маърузаси билан бошланади. Сўнгра ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган шахс, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокат, судга келган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади.

Қарор судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади. Илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қуйдаги қарорлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида;

илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида.

Илтимосномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарор ўқиб эшитирилган пайтдан эътиборан кўнча киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Қарор ижро этиш учун дарҳол ички ишлар органи вакилига, агар суд мажлисида иштирок этган бўлса, адвокатга ва ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга топширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарор устидан ушбу қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг қонуний вакили ва адвокат апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор эса апелляция протести келтириши мумкин.

Апелляция инстанцияси суднинг судьяси қарор устидан берилган шикоятни (протестни) у келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида яқна тартибда кўриб чиқиб, унинг натижалари бўйича қуйдаги қарорлардан бирини чиқаради:

қарорни ўзгартириш, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ва шахсни реабилитация марказидан озод қилиш ҳақида;

илтимосномани қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган УРҚ-462-сонли Қонуни билан тасдиқланган Қаноатлантириш тўғрисидаги кодекснинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда) 24-боби чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрозиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кўнча киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 16 декабрь № УРҚ—810

Танзила НОРБОЕВА, Олий Мажлис Сенати Раиси

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида қабул қилинган БМТ резолюцияси дунё парламентларининг бу борадаги фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Жумладан, аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш, бандлигини таъминлаш, озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рақибини яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аҳоли саломатлигини сақлаш, сифатли таълимни, гендер тенглигини таъминлаш ва хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, барқарор инфратузилмани яратиш, саноатлашув ва инновацияларни жорий этиш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиклиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигига эришиш каби кўпгадир муҳим масалалар Парламент комиссияси аъзолари томонидан кўриб ўрганилмоқда. Урганиш якунларига кўра, аниқланган муаммоларни бартараф этиш

юзасидан Парламент комиссияси мажлисларида 28 вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. 2020 йилда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга доир Ихтиёрий миллий ҳисоботи илк мартаба БМТнинг Иқтисодий ва Иجتимоий Кенгаши бошчилигида ўтказилган олий даражадаги сиёсий форумда тақдим этилди. Шу ўринда мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича дунё давлатларида олиб борилган ишлар ҳамда бу борада Ўзбекистон тажрибасига бағишланган бир қатор халқаро тадбирлар ўтказилганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳафталиги доирасида-

ги давра суҳбатларида 30 дан ортиқ халқаро экспертлар ўз маърузаси билан иштирок этди. Айниқса, ўтган йили Бухоро шаҳрида дунё тарихида илк мартаба ўтказилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентларо глобал ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро форум юқори савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш ўридли. Дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан 500 дан ортиқ иштирокчилар қатнашган мазкур халқаро тадбир якунида форумнинг Бухоро декларацияси қабул қилинди. Қолаверса, барқарор ривожланишга эришиш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилган ишлар ҳамда бу борада парламент жараёнидаги таъбирлар томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, БМТ ва "Bertelsmann" жамғармасининг Барқарор ривожланиш

мақсадлари рейтингидида мамлакатимиз жорий йилда 165 та мамлакат орасида 77-ўринни эгаллади. БМТ томонидан "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларо ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз ва бошқа давлатларнинг парламентлари, ҳукуматлари учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Бу борада республикамизда орттирилган ижобий тажриба глобал миқёсда кенг қўлланилади. Бу, ўз ўрнида, миллий парламентаризмга нафақат гуруҳ бағишлайди, балки юксак масъулият ҳам юклайди. Хали олдимизда улкан вазифалар турибди. Мазкур резолюциянинг ташаббускори сифатида уни муваффақиятли адо этишда биз намуна бўлишимиз зарур.



ЭЗГУ ВА ҲАЁТИЙ ТАШАББУСНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилига содиқлигини исботлади

Барқарор ривожланишнинг 17 мақсади ва тегишли вазифалар кенг миқёсда амалга оширилди, яъни соғлиқ ва фаровонликдан тортиб то иқлим ўзгаришларигача, гендер тенглигини тортиб истеъмол ҳамда ишлаб чиқариш моделлари ўзгаришларига ҳамда бўлган жараёни қамраб олганлиги эътиборга молик. Хусусан, ёшлар ва аёллар масалалари кенгроқ қамраб олинган. Зеро, мамлакатимизда бу борада катта ишларга қўл урилди, десак, муболага бўлмайди. Масалан, ўтган йили 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Гендер стратегиясида БМТнинг 2030 йилгача маълумланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ҳолда барча соҳада хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик тамойилини таъбиқ этишга ҳамда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенглик тарғиб қилинишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Айтиш мумкинки, ана шундай тизимли ва самарали ишловлар туфайли бугун Ўзбекистон ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан фаол қўллаб-қувватланди, десак, тўғри бўлади. Масаланинг яна бир аҳамиятли жиҳати мамлакатимиз парламентида аёллар сони бўйича БМТ тасвирлари (қамида 30 фоиз) тўлиқ бажарилиди. Қонунчилик палатасига 32 фоиз, яъни 48 нафар аёл депутат сайлангани, ўз навбатида, дунёдаги 190 парламент ичида Ўзбекистон парламентининг 37-ўринга кўтарилишини таъминлади.

Юқорида таъкидланганидек, резолюцияда 2030 йилга қадар бўлган даврдаги кун тартибининг муваффақиятли амалга оширилишида ёшларнинг ўрни ва ҳиссаси муҳимлиги, навқирон авлоднинг парламент жараёнидаги тўлиқ, тенг ҳуқуқи ва таъсирчан иштирокини таъминлаш зарурлиги эътиборга олинган. Умуман олганда, мазкур резолюция янги Ўзбекистонда кейинги 6 йилда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш учун катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилганнинг амалий эътибори бўлди. Аниқроқ айтганда, мамлакатимизнинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилига содиқлигини исботлади.

Шаҳноза ХОЛМАҲАМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштиради

Дунёнинг барча қитъаларидаги 80 та давлат, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари, Германия, Испания, Италия, Франция, Россия, Финляндия, Миср, ХХР, Сингапур, Япония, Корея Республикаси ва бошқалар ҳужжатнинг ҳаммуаллифлари бўлди. Резолюция Барқарор ривожланиш мақсадларини жадал амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш қайд этилди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, БРМдан келиб чиққан ҳолда ҳукуматимиз томонидан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар белгилаб олинган. Ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ушбу миллий мақсад ва вазифаларга эришилишини таъминлаш мақсадида тегишлилиги бўйича

вазирлик ва идоралар масъулиги белгиланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳар йили маъсул вазирлик ва идора раҳбарларининг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши бора-бора амалга оширилаётган ишлари бўйича ахбороти кўмиталар томонидан эшитиб борилди. Бунда амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади, йўл қўйилган камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар белгилиб, халқ вакиллари томонидан керакли тавсиялар берилади. Кун тартибидидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, ҳукуматга тақдим этилади. Умуман олганда, бу борада Қонунчилик палатасида таъсирчан парламент назорати амалиёти шаклланди. Парламентларо Иттифоқ ҳам ушбу резолюцияга ўзининг муносабатини билдириб, 2023 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг Олий даражадаги ҳафтаси доирасида бўлиб ўтган Барқарор ривожланиш мақсадлари саммитига тайёргарлик йўлидаги муҳим кадам сифатида баҳолади.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Яна бир тарихий воқеалик

Давлатимиз раҳбари тақлифи билан ишлаб чиқилган мазкур резолюциянинг БМТ томонидан маълумлангани мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир тарихий воқеа бўлди, десак, айна ҳақиқат. Ҳужжатда COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч қимми эътибордан четда қолдирмасликни таъминлаган ҳолда кенг қўллаш, барқарор ҳамда илҳомлик

ланишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорликка содиқлигини мустаҳкамлашда парламентларнинг муҳим ўрни қайд этилади. БМТ Бош Ассамблеяси аъзо давлатларни миллий парламентларни қўллаб-қувватлашга, уларни Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги фаолият ҳамда бунга назорат қилиш жараёнига, айниқса, ихтиёрий миллий маърузаларни тайёрлашга жалб қилиш, шунингдек, ҳисобдорликни таъминлаш ва кучайтириш учун уларга ёрдам беришга чақиради. Хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ҳамда парламент жараёнидаги тўлиқ, тенг ҳуқуқи ва таъсирчан иштирокига қўмқлашиш орқали БРМга эришишни жадаллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг марказий омилли сифатида гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. 2030 йилга қадар бўлган даврдаги БРМ кун тартибининг муваффақиятли амалга оширилишида ёшларнинг ўрни ҳамда ҳиссаси муҳимлиги, ёшларнинг парламент жараёнидаги тўлиқ, тенг ҳуқуқи ва таъсирчан иштирокини таъминлаш зарурлиги эътиборга олинган.

Одилжон ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Миллий, минтақавий ва халқаро масалалар ечим

Ўзбекистон БРМ соҳасида БМТ билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. БМТнинг 2030 йилгача кун тартибидида бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилгача даврни қамраб олган барқарор тараққиёт

соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди. 16 та миллий мақсад, 125 та вазифа тасдиқланди.

Миллий мақсад ва вазифаларнинг имплементацияси бўйича "Йўл харитаси" қабул қилинди. Парламент комиссияси ва ҳукумат ҳузуринда Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Илк бор Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича Ихтиёрий миллий обзор тақдим этилди. Президентимиз томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига ижросининг беш йиллик "йўл хариталари" ҳисобланади. Халқаро минбардан туриб, ташаббус илгари суришдан олдин мамлакат миқёсида ҳам бу борадаги ишлар фаол амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2021 йилнинг июнида Бухоро шаҳрида Парламентларо Иттифоқ билан ҳамкорликда "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда глобал парламентларо ҳамкорлик" халқаро форуми давлатимиз раҳбарини резолюция қабул қилиниши билан самийи табриклаб, Президентимизга ўзини тақлиф учун миннатдорлик билдирди. Парламентларо Иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгонг мамлакатимиз халқи ва давлатимиз раҳбарини резолюция қабул қилиниши билан самийи табриклаб, Президентимизга ўзини тақлиф учун миннатдорлик билдирди.

ҳамда БМТ тавсияларининг бажарилиши устидан парламент назорати механизмидан унумли фойдаланиб, қўзланган мақсадларга эришамиз.

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Аҳолининг қулай табиий муҳитда яшаш учун барча шароит яратилади

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўрни ва нуфузи мустаҳкамлашни бораётганининг ёрқин ифодасидир. Айтиш жоизки, мазкур резолюция парламентларо ҳамкорлиқни, ҳамжиҳатлик ҳамда кўп томонлама стратегик муносабатларни янада мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, ушбу ҳужжат аъзо давлатларни қонунлар, механизмлар орқали ҳамда парламент биналари ногиронлиги борларни сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишга рағбатлантириш ҳамда имкониятларни кенгайтириш учун инклюзив ва қулай бўлишини таъминлашга чақиради. Шу билан бирга, парламентларо ўртасида, жумладан, Парламентларо Иттифоқ доирасида, ўзининг уч йўналиши — иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик жиҳатдан Барқарор ривожланишга эришиш бўйича миллий, минтақавий ва халқаро саъй-ҳаракатларни мувозанатли ҳамда интеграциялашган ҳолда қўллаб-қувватлаш учун яқиндан ҳамкорликка ундайди. Қисқаси, ушбу резолюциянинг қабул қилиниши янги Ўзбекистонда инсон қадригини улуғлаш сифатида фуқароларнинг экологик ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, аҳолининг қулай табиий муҳитда ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. Муқаддас ТИРКАШЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН СУВ ИСИТИШ КОЛЛЕКТОРИ ЯРАТИЛДИ

Анджон давлат университетининг қайта тикланувчи энергия манбалари лабораториясида такомиллаштирилган сув иситиш коллектори яратилди.

— Оддий коллекторда кўш нурининг 60 фоизидан фойдаланилади, холос, — дейди тадқиқотчи Абдухалил Эралиев. — Сабоби 40 фоиз нур қувурлар орасидан ўтиб, бехуда сарфланади.

Оддий мисол, аънавий коллекторларда сув уч соатда қайнаса, бизнинг коллекторда бунинг учун икки соат вақт сарфланади.

Хозирги кунда ушбу иxtирога патент берилди. Анджон давлат университети томонидан қурилгани амалда синаб кўриш учун 80 миллион сўм маблағ ажратилди.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»)

ЛАНГАРЛИК КИЧКИНТОЙЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАСИ



Фаргона вилоятининг Кўштепа туманидаги «Лангар» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти «Обод қишлоқ» дастури доирасида мукамал таъмирдан чиқарилди.

Таъкидлаш ўринлики, 180 ўринга мўлжалланган ушбу муассаса 1984 йилда қурилган бўлиб, 2021 йилда ҳудуддаги болаларни мактабгача таълим ташкилотига қамраб олиш мақсадида қўшимча 90 ўринли мобил (контейнер) богча фойдаланишига топширилган эди.

Жорий йилда эса «296-НИКМК» МЧЖ томонидан таълим ташкилотининг 180 ўринли бино қисмида тўлиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бир миллиард 921 миллион сўм

маблағ эвазига муассаса биноси мукамал таъмирланди, атроф девори қайта тикланиб, кўркам қиёфа касб этди.

Янги йил байрами арафасида тантанали равишда фойдаланишига топширилган муассасада 270 нафар кичкинтой замон талаблари асосида таълим-тарбия олиши учун барча шароит яратилди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»)

«ТАРТИБГА СОЛИШ ҚУМДОНИ» МАХСУС ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қандай аҳамиятга эга?

Охириги ўн йилликда инновацияга асосланган технологиялар тезкор ривожланиб бормоқда. Пандемия ушбу жараёнлар янада тезлашишига катта туртки бўлди.

Фармон ва ижро

Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш технологик жараёнлардан орқада қолаётгани учун бизнес вакиллари кай тартибда фаолиятини олиб бориши кераклиги, янги гоёни амалга ошириш учун лицензия ёки рўхсат этиш хусусиятидаги ҳужжатлар керак ёки керак эмаслиги, уларни олиш учун сарфланадиган маблағ ўзини қанчалик оқлаши бўйича ноаниқликлар янги технологияларни жорий этишда тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, ахборот технологияларининг янги шакллари, архитектура соҳасида шаҳарсозлик ҳужжатлари талаблари гача мос келмайдиган янги замонавий архитектура ечимлари, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида мамлакатимизда мавжуд экинларга хос бўлмаган янги самарали қишлоқ ҳўжалиги экинлари пайдо бўлаётгани улар билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий бўшлиқларни ва юқори тавakkалчиликни юзга келтирмоқда.

Ушбу муаммони ечиш учун аксарият давлатларда «Тартибга солиш қумдони» (Regulatory Sandbox) экспериментал ҳуқуқий режими жорий этилмоқда. Хусусан, Австралия, Буюк Британия, Европа Иттифоқи, Канада, Хитой, Россия, БАА, Сингапур, АҚШ, Швейцария ва бошқа қатор давлатларда амалиётга татбиқ этилаётган технологиялар ва инновацияларни синаб кўриш учун апробация майдончаси яратиб берилмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонда иқтисодиётнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга, масофавий тадбиркорлик ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш вазифаси ушбу режим татбиқ этиладиган соҳаларни кенгайтиришда дастурил-амал бўлиб хизмат қилди.

«Ватан тараққиётига менинг ҳиссам»

Ўз устида тинимсиз ишлайдиган, илм олишни ўз олдига мақсад қилган ёшларнинг юртимиз тараққиётига қўшадиган ҳиссаси беқийс. Сўзимизни миллатимиз умидларининг ўқиш, ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида қўлга киритаётган салмоқли ютуқлари ҳам тасдиқлайди.

«Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» аънавий республика кўрик-танловининг тўман босқичларида айнан қўбиллатиш ўлчиқларини саралаш ва уларни улкан марралар сари рабаблантириш бош мақсад қилинган. Хусусан, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги 9-сонли болалар мусика ва санъат мактабига уюштирилган ушбу танловда тасвирий ҳамада амалий санъат, адабиёт, публицистика, миллий мақом ҳамада эстрада йўналишида иштирокчилар ўз иқтидорини намойиш қилди.

— Уқувчиларимизнинг деярли барчаси қўбиллатилди, — дейди Маънавий ва маърифат маркази Тўрақўрғон тумани бўлими маси раҳбари Максудахон Бегматова. — Ушбу танловда уларнинг 267 нафари белгиланган йўналишларда ижод ва ижро намуналарини ҳақамлар ҳайъатига ҳавола этди. Иштирокчиларнинг назимий машқлари, ҳаётини чизги ва ҳунармандчилик иш-

шарт-шароитлар яратиш, ушбу йўналишда «яширин иқтисодиёт»нинг олдини олиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 9 ноябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга асосан, 2023 йил 1 январдан бошлаб юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг замонавий технологияларга асосланган янги махсулот ва хизматларни ёки бошқа интеллектуал фаолият натижаларини назорат қилинадиган чекланган муҳитда сновдан ўтказиш бўйича фаолиятини махсулот тартибга солишни назарда тутувчи «Тартибга солиш қумдони» махсулот ҳуқуқий режими жорий этилади.

Ушбу махсулот режим электрон тижорат, транспорт ва логистика, санъат ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳўжалиги ва қурилиш каби йўналишларда қўлланилади. Шу билан тадбиркорлик субъектларига янги махсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, апробация қилиш ҳамада жорий этиш йўналишларидаги фаолиятини чекланган вақт, ҳудуд ва шахслар доирасида махсулот тартибга солиш орқали айрим қўнунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилмаслик, лицензиясиз ҳамада рўхсат бериш ҳужжатларини олмасдан фаолиятини амалга оширишга рўхсат берилди.

«Тартибга солиш қумдони» махсулот режим доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан замонавий технологияларга асосланган янги махсулот ва хизматларни ёки бошқа



ЭЛДАН ЎЗНИ БИЛМА АЪЛО

Элдан ўзни билма аъло, Аълолининг вақтинчадир, Гарчи сен қавминга пешво, Пешволонинг вақтинчадир.

Қанча донолар ўтишган Ушбу фано дунёсида, Беқийс бўлсанг-да доно Донолининг вақтинчадир.

Нонни катта тишласанг-да, Ҳеч гапга катта кетмагил, Эл сўзи бу, қил хулоса Бурролининг вақтинчадир.

Зоғ овозин хушламаслар, Булбулга эл шайдо мудом, Ушша сен булбулга гарчи Гўёлининг вақтинчадир.

Бой эсанг, қолдирма давлат, Қолдиргил эзгу гоғлар, Шунда ҳеч ўчмайди номинг, Осмонлининг вақтинчадир.

Аҳли донолар ила кўп Суҳбатда бўлсанг, эй рафиқ, Аҳли расола сафида Расволонинг вақтинчадир.

Урсалар дунёга ўзни, Сен эзгулик, — деб ён, Зиё. Яхшилик боқий эрур, бу Дунёлининг вақтинчадир.

БЎЛМАГАЙ

Ким топиб сўзлайди сўзни, Ҳеч қачон кам бўлмагай. Ким қочиб сўзлайди сўзни, Яхши одам бўлмагай.

Сув бошидан, бола ёшдан, — Деб бежиз айтмайдилар, Пойдевори бўш бино ҳеч Пухта-маҳкам бўлмагай.

Яхшига ёндош, ёмондан Қоч, — дегай доно элим Чунки яхши ҳеч ёмондай Ишза-мулзам бўлмагай.

Минг шукурким юртимизда Тўю байрам тўхтамас, Халқи нотинч ўлкаларда Тўю байрам бўлмагай.

Этмагил аҳли жаҳаннам, Жаннатий қил, эй Эгам. Жаннатийлар чун қиёмат Чоғи ҳам ғам бўлмагай.

Кимки Ҳақ йўлидан юргай, Чиқмагай эл ёдидан. Жисми Ерда, руҳи Арида Мангу ноҷам бўлмагай.

Биз — улғу шавкатли халқмиз Бахтимиз порлоқ, Зиё. Беклигимиздан бошимиз Тик, абад ҳам бўлмагай.

Зиёвдин МАНСУР

Худойберди Тўхтабоев таваллудининг 90 йиллиги



БОЛАДАЙ БЕҒУБОР ҚАЛЬ ЭҒАСИ

Илк бор Тошкентга мен меҳр қўйган асарлар муаллифи, атоқли болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевни кўргани дадам билан келганимиз. Ушунда 2013 йилнинг қиш фасли эди. Совуқда адибнинг уй манзилини излаб бутун шаҳарни кезганимиз ҳеч эсимдан қиммайди. Ҳар қалай «Тонг юлдузи» газетасига ижодий машқларимни юбориб турганим учун тахрират манзилини эслаб қолган эканман. Газета бош муҳаррири Феруза Адилова ёзувчининг уй телефонига қўнғироқ қилиб, Навоидан устозни кўриш учун келганимизни айтди.

2021 йилда Тошкентда «Тонг юлдузи» газетасида ишлар эдим. Адибнинг туғилган кун арафаси мақола тайёрламоқчи бўлиб, пойтахтдаги Уч-тут кўчаси 69-уйга яна бордим. Устоз кутубхонасида газета ўқиб ўтирган экан. Кўзойнаксиз. Ёзилган мактублар муаллифи — навоийлик қиз эканлигини эшитганидан кейин таниди. 88 ёшда ҳам хотиралари мустаҳкам эди.

Мақолани устознинг нафақат болалар адабиёти, балки бадиий публицистикадаги фаолияти, маҳорат мактаби ҳақида ёзмоқчи эдим. Шу сабабли, кечаги ва бугунги журналистика ҳақида гаплашишни бошладик. Устоз ҳар бир феълетони кетидан суд залигага бориб ҳақиқат учун курашгани-ю, баъзида таҳдидлар остида қолган ҳаёти ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди. Суҳбатда журналистика сабоқларини ўргатиб, «Мана бундай деб савол берсанг, мен бундай деб сирларимни очаман», дея самимий ва табассум билан маҳорат дарсларини берди.

Феълетонлари ҳақида сўраганимда, устознинг ўзида биронтаси ҳам йўқлигини айтди. Аслида манбаларда бериладиган 300 дан ортиқ феълетонлардан икки баробар кўп материаллари борлиги, бироқ ҳали улар жамланмаганини афсусланиб гапирди.

Шу кун устоздан журналистикадаги дадилликни, курашувчанликни ва ҳалоллик ортидаги машаққатни эшит-

ни берсин, — деди набирасининг келажакни адабиётда кўраётганидан қувониб.

Ёзувчига ҳорғинлиқ соя солгандек эди, назаримда. Айтишчиси, турмуш ўртоғи энг катта ёрдамчиси бўлган экан. «Қариганда қуш уйку бўлиб қолар экан киши, кечалари уйкум

фатида даврий нашрлар архивида йўқолиб борётган танқидий материалларини жамлама қилишни режалаштирганини айтганди.

Ёзувчи билан қилган суҳбат матбуотда босилиб чиқди. Уларига олиб бормоқчи эдим. Афсуски, улгурмадим... Худойберди Тўхтабоев олти йилдан зиёд давом этган ижодий фаолияти мобайнида «Шошқалоқ», «Сўқмоқлар», «Муҳаббат қўшиғи», «Жонгинам, шартингни айт» сингари ҳўқоялар тўпламлари, «Сир очилди», «Омонбой билан Давронбой саргузашти» қиссалари ҳамада «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Беш болали йилгич», «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар», «Ширин қовунлар мамлақати», «Мунгли кўзлар», «Жаннати одамлар», «Қиз талашган ўсимлар», «Кўёнлар салтанати», «Қиз болага тош отманг» романларини яратди. Адиб асарлари дунёнинг 40 га яқин тилларига таржима қилинди.

Заҳматкаш меҳнати, ижодий меросининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти юксак эътироф этилиб, ижодкор «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» уновни ҳамада давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Худойберди Тўхтабоев Жонни Родари, Ханс Кристиан Андерсен, Иван Крилов каби жаҳон болалар адабиётининг буюк даргалари қаторида тилга олинди. Бугун ижодкор ҳаёт бўлганда кўтулғу 90 ёшга қирган бўлар эди. Улғу адибнинг таваллуд кун илм даргоҳларида, меҳнат жамоаларида кенг жамоатчилик иштирокида нишонланмоқда.

Умидо САТТОРОВА («Халқ сўзи»)

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 13 755 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР. 9.00 дан 18.00 гача. 71-232-10-63, 71-232-11-15. ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklamax@mail.ru reklama@xs.uz

MANZILIMIZ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — А. СОЙИБНАЗАРОВ. Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббев. «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.50 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6